

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ СОФ ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БЕВОСИТА УСУЛ ОРҚАЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Фозилжонов И.С.

Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7181807>

Пул оқимларини таҳлил қилишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд ҳисобланди. Бевосита пул оқимлари таҳлили усулида акциядорлик жамиятларининг пул маблағларини бизнесга пул киритиш орқали шаклланган пул маблағларини ижобий ва салбий бўлганлиги маълумотини кўриш чиқишдан иборатдир. Мазкур усулда акциядорлик жамиятига капитални кириши ва чиқиши билан боғлиқ бўлган пул оқимни кўрсатади. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий фаолият бўйича нақд пуллари гуруҳланади. Натижада, ҳисобот даври учун соф пул оқимларини кўрсатадиган маълумотлар шаклланади. Умуман олганда, пул оқимларини бевосита таҳлил қилиш усули пул оқимларни киримини ва чиқимини аниқлашга, шунингдек жорий мажбуриятларни тўлашга етарли маблағ мавдужлигини ва инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ мавжудлик имкониятини баҳолаш имконини беради. Умуман олганда, жамиятнинг фаолиятини ижобий бўлишига соф пул оқими шарт эмасдир. Бироқ, инвестиция фойяти эса, салбий пул оқим билан ҳарактерланади, сабаби узоқ муддатли активларга йирик инвестицияларни жалб қилиниши ва акциядорлик жамиятини ишлаб чиқариш кенгайишини кўрсатади. Аммо, акциядолик жамиятларини жорий ва молиявий пул оқимлари ижобий бўлиши лозим. Ўз навбатида, жамиятнинг фаолияти ижобийлигидан далолат беради. Шунингдек, жамият ўз фаолиятини янада ривожлантиришдан далолат беради. Жумладан, акциядорлик жамиятларининг соф пул оқимларини бевосита усул орқали баҳолаш учун жамиятнинг пул оқимларини самарадолигини ҳисоблаш лозим. Шу босидан, қуйидаги формуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Акциядорлик жамиятининг тўлов қобилияти коэффиценти:

$$K_{\text{тқ}} = (\text{ПО}_{\text{йил боши}} + \text{ПО}_{\text{кирим}}) : \text{ПО}_{\text{чиқим}} \quad (1)$$

Бу ерда:

$\text{ПО}_{\text{йил боши}}$ - йил бошида пул оқими;

$\text{ПО}_{\text{кирим}}$ - ҳисобот давридаги пул тушуми;

$\text{ПО}_{\text{чиқим}}$ - ҳисобот давридаги пул чиқими.

Тўлов қобилиятининг коэффицентини меърий қийматлари 0,5 - 0,7 оралиғи ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати

барқарорлигини кўрсатади. Агар коэффициентининг қиймати кўрсатилаган ораликдан пасроқ бўлса, акциядорлик жамиятларига ташқи маналардан маблағ жалб қилиш тушунилади. Агар коэффициент қиймати бирдан ошса, жамиятининг тўловга қобилияти юқори эканлигидан далолат беради.

2. Акциядорлик жамиятини молиявий ресурсларининг таъминланганлиги:

$$T_{\text{мр}} = \frac{\overline{ПО}}{П} * 365 \quad (2)$$

Бу ерда:

$\overline{ПО}$ -ҳисобот даври учун ўртача пул оқими;

П-ҳисобот давридаги жорий пул оқимлари.

Ушбу коэффициент қўшимча капитални жалб қилмасдан акциядорлик жамиятини фаолиятини самарадорлиги кўрсатади.

3. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун жорий пул оқимларини етарлиги таъминланганлиги.

$$П_{\text{инв}} = \frac{СПО_{\text{жорий}}}{ПО_{\text{инв}}} \quad (3)$$

Бу ерда:

$СПО_{\text{жорий}}$ - жорий фаолиятдан соф пул оқими;

$ПО_{\text{инв}}$ - инвестиция фаолиятдан пул оқими.

Агарда аниқланган кўрсаткич бирдан катта бўлса, акциядорлик жамиятини инвестиция фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг инвестицион фаолиятини ноактив деб ҳисобланади.

Акциядорлик мажбуриятларини бажаолиш учун жорий фаолиятдан олинган пул маблағлари етарлиги коэффициенти қуйидагидан иборат.

$$П_{\text{инв}} = \frac{СПО_{\text{жорий}}}{МТ_{\text{молиявий фаоли}}} \quad (3)$$

Бу ерда:

$СПО_{\text{жорий}}$ - жорий фаолиятдан соф пул оқими;

$МТ_{\text{молиявий фаол}}$ - молиявий фаолиятдаги пул маблағлари.

Бевосита пул оқимлари таҳлилининг асосий камчилиги акциядорлик жамиятини молиявий натижаси ва унинг капиталининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб бераолмайди. Шунингдек, пул оқимини ушбу баҳолаш усули бошқа усулларга қараганда анча вақт талаб қиладиган усул ҳисобланди.

Жумладан, бевосита пул оқимлари таҳлил қилиш усули молиявий натижалар ва баланс ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот давридаги соф пул оқимларини ҳисоблаш имконияти беради.

Бевосита пул оқимлари таҳлили усули акциядорлик жамиятини фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбаларини қанчалик етарли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, жамиятнинг фаолиятини салбий тенденцияни ўз вақтида аниқлаш ва салбий оқибатларни олдини олиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти беради.

REFERENCES

1. Ю. Бриггем, Джоэл А. Хьюстон «Финансовый менеджмент» СПб: Питер; 2013г.
2. Бланк, И.А. Финансовый менеджмент: учебн. курс. – 2-е изд. перераб. и доп. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2005.
3. Ван Хорн Джеймс К., Вахович Джон М. «Основы финансового менеджмента»- 12-е изд. - М.: "И.Д. Вильямс", 2008. — 1232 с
4. Бочаров, В.В. Финансовое планирование. – СПб.: Питер, 2000.